

Бухоро вилоятида 2020 йилда “Бухоро кичик саноат зонаси”да амалга оширилган ишлар тўғрисида.

1.2020 йилда амалга оширилган ишлар:

Вилоятнинг 13

та шаҳар ва туманларида 23 та

объект негизида

73,8 гектар ер майдони ҳудудида **16 та** кичик саноат зоналари ташкил этилган бўлиб, шундан “ЛОТ”ларга ажратилган ер майдони **63,0 гектарни** ташкил этади.

Бугунги кунга

қадар кичик саноат зоналарининг ишлаб чиқилган ва маъмурий кенгаш томонидан

тасдиқланган бош режаларига асосан, жами

42,1

гектар ер майдони (67 %), умумий қиймати **300,05 млрд.сўм** инвестиция киритиш ва **2832 та** янги иш ўринлари яратиш шarti билан

145 та тадбиркорлик субъектларига

ажратилган. Шундан, **15 та** лойиҳа экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга,

35 та лойиҳа импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган

бўлиб, **8 та** лойиҳани маҳаллийлаштириш дастурига киритиш чоралари кўрилмоқда.

Ўтган даврда кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини

олган **38 та** тадбиркорлик субъектлари

ишга туширилиб, **523 та** иш

ўринлари яратилган. Улар томонидан

жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатида **32,1 млрд.сўмлик** маҳсулот ишлаб

чиқарилган (*ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3.7 млрд сўмга ошган*), шундан **1,39**

млн.АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспортга йўналтирилган.

Лойиҳалари ишга тушган **38 та** тадбиркорлик субъектлари томонидан жорий йилнинг ўтган давр мобайнида жами **2.8 млрд.сўм** миқдорида солиқ тўловлари ҳисобланиб, бюджетга кўчириб берилган.

Мавжуд кичик саноат зоналаридаги тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Инқирозга қарши кураш Республика

комиссиясининг 2020 йил 19 майдаги 24-сонли йиғилиш баёнига асосан

муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилиши учун **35,9 млрд.сўм** маблағ ажратилган бўлиб, 1-ноябрь ҳолатида **8,1 млрд.сўмлик** қурилиш ишлари амалга оширилган.

Йил якунига қадар

– Жорий йилнинг охиригача **23 та** лойиҳани ишга тушириш бўйича **ноябр-декабр** ойларида бажариладиган ишлар ва тадбирлар юзасидан ишлаб

чиқилган **тармоқ жадваллари асосида** мазкур

лойиҳаларни ишга туширилишини таъминлаш ва умумий қиймати **41.5 млрд.сўм** инвестиция киритилиб, **522 та** янги иш ўринлари яратишга эришиш.

– КСЗларда коммуникация

тармоқларини қуриш ишларини тезлаштириш ва объектларни тармоқларга улаш ҳамда

муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилиши учун ажратилган **35,9 млрд.сўм** маблағни тўлиқ ўзлаштиришнинг аниқ чоралари кўриш.

– КСЗларга тадбиркорларни жалб қилиш масадида оммавий ахборот воситалари орқали, давлат бошқарув органларининг сайтларида эълонларни

жойлаштириш орқали ҳамда ҳудудларга бориб тарғибот-ташвиқот ишлари олиб

бориб, бугунги кунда 10 та КСЗларда бўш турган **20,9 гектар** ер майдониغا тадбиркорларни жалб қилиш.

– Туман ва шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда аҳоли зич жойлашган ва муҳандислик-коммуникация тармоқларга яқин бўлган ҳудудларида **янги кичик саноат зоналари** ташкил этиш, шу жумладан **ёшлар кичик саноат зоналарини** ташкил этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш.

2. 2021

йилда амалга ошириладиган ишлар:

1. 2021 йилда 84 та

лойиҳаларни ишга тушириш, **260,3** млрд.сўмлик инвестицияларни жалб этиш ва **2367 та** янги иш ўринлари яратиш.

2. Янгидан ташкил

этиладиган кичик саноат зоналарида муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилиши ишларини амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағларни ЛСҲ асосида аниқлаштириш, зарур маблағларни манбааси бўйича таклифларни тайёрлар.

3. Кичик саноат

зоналаридаги **20,9 гектар** бўш ер майдонида (*қамраб олинмаган ЛОТларга*) салоҳиятли, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган лойиҳаларни жалб этиш, натижада қўшимча **210,0** млрд.сўм инвестиция киритиш ва **1050 та** янги иш ўринлари яратиш.

4. Туман ва

шаҳарларнинг аҳоли зич жойлашган ва муҳандислик-

коммуникация тармоқларга яқин
бўлган ҳудудларида камида **20 дан ортиқ**
янги кичик саноат зоналари ташкил
этиш, шу жумладан камида **10 та ёшлар**
кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва қўшимча иш
ўринлари ҳамда бюджетга
тушумлар ортишини таъминлаш.